

Google playдан муслималар учун илова



04:34 / 15.10.2018 4331

Hitjabi-Hijab style 3D camera бу – Google Play дан инновацион илова бўлиб, фойдаланувчига ҳижоб кийган ҳолда қандай кўринишга эга бўлишини кўрсатади. Бу ҳақда ummamag.kg хабар берди. Стартап-компания ушбу иловани ҳижобда қандай гўзал кўринишини дунёга намойиш истагида бўлган муслималар учун махсус ишлаб чиқди.

Илова ҳали ҳижоб киймаган ва ҳижобдаги фотосуратини кўрсатишга ёки дўстлари ва оила аъзолари билан бу мавзуда гапиришдан ҳадиксирайдиган қизлар учун мўлжалланган.

Шу сабабли илова муслималар учун ҳам, бу мавзуга қизиқадиган муслима бўлмаганлар учун мос келади. Ушбу илова ёрдамида Hitjabi ишлаб чиқувчилар реал ҳаётда ҳижобга кирган ёки кирмаганлигидан қатъи назар, қизларга ёрдам беришни истайди.

Гарчи ҳижобни асосан улар учун дин талаби ва рамзи бўлган муслималар кийиб юрадиган бўлса-да, бир қатор қизлар жумладан, ҳижобнинг ҳар хил турларидан фойдаланиб, бошига рўмол ўраб юриш модасига мойиллик билдиради. Бу иловадан фойдаланиб, улар қандай қилиб энг яхши кўринишда бўлишини билиб олиши мумкин.

Дастур бир нечта филътрдан иборат бўлиб, улар исталган пайтда ва исталган жойда чиройли селфи қилишга ёрдам беради. Бунинг учун техник кўрсаткичларни танлаш ва фотога олиш тугмасини босиш кифоя.

Яқинда дастур муаллифлари унга айрим қўшимчалар киритишди ва уни яхшилашди: ҳижобни 3D форматда ишлаб, унга янгича рўмол шакллари, реал вақт режимида свопинг (фото ёки иловани дискка ёки бошқа ташқи хотира қурилмасига юклаш) ва ҳижобни масштаблаш имкониятини қўшдилар, шунингдек, илованинг ишлаш кўрсаткичларини яхшиладилар.